*Инсон манфаатлари — олий қадрият*

# АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 15 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА ● СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА ● № 38 (584) ● www.adolat.uz ● E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

## ШИФОКОРЛАР БАЙРАМИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан тасдиқланган ва 13 сентябрь куни эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги қонуни тиббиёт ходимларини қувонтириб юборди.

— Тақвимда бизнинг касб байрамимиз йўқ эди, — дейди Андижон давлат тиббиёт институти клиникасининг биринчи жарроҳлик бўлими жарроҳи, доцент, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби Жўрахон Саидхўжаева. — 1 октябрда бутун мамлакатда ўз касб байрамини кенг нишонлайдиган ўқитувчиларга ҳавасимиз келарди. Энди эса шифокорларнинг ҳам қонун томонидан белгиланган байрам куни ноябрнинг иккинчи якшанбасида нишонланадиган бўлди. Бу рамзий маънога эга. Негаки, 1998 йилнинг ноябрида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури қабул қилинган эди. Шу пайтдан бошлаб, одамлар соғлигини ҳимоя қилиш соҳасида кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилди. Касалликни даволашга эмас, балки унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда.

Давлат дастурига мувофиқ Андижон вилоятида ўнлаб замонавий қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди, кўпгина даволаш муассасалари капитал таъмирланди. Мустақиллигимизнинг 15 йиллигига Асака шаҳрида диспансер капитал таъмирдан сўнг фойдаланишга топширилди, бир қанча қишлоқ врачлик пунктлари, Андижон туманидаги Куйганёр қишлоғида эса фахрийлар учун мўлжалланган соғломлаштириш маркази ишга туширилди. Шифохоналар ва поликлиникалар замонавий ташҳис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозланмоқда. Фарғона водийсида энг йирик тиббиёт муассасаси ҳисобланган клиникамиз ҳам янгиланмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимига, халқ саломатлигини ҳимоя қилаётган шифокорларга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ шифокор ва ҳамширалар давлат мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида мен ҳам борман.

Тиббиёт ходимларининг касб байрами тўғрисидаги қонунни ҳамкасбларим катта хурсандчилик билан қабул қилди. Юртбошимизнинг биз, тиббиёт ходимларига кўрсатаётган ғамхўрлиги ва эътибори халқ фаровонлиги йўлида янада кўпроқ ғайрат билан ишлашга ундайди.

**ЎзА мухбири**
**С.Шукуров ёзиб олди**

*Сарҳисоб*

## ХАЛҚ МАНФААТИ, АДОЛАТ МЕЗОНИ

***каби тамойиллар бундан кейин ҳам фаолиятимизнинг асосий мезони бўлиб қолаверади***

**Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик Палатасидаги фракцияси раҳбари**

Ўзбекистон ўтган қисқа давр ичида ўзининг тараққиёт ва ривожланиш йўлини белгилаб олди. 15 йиллик тарих жаҳон ҳамжамияти олдида бу мамлакатнинг кучи ва қудратини, мўъжизакор салоҳиятга эга эканлигини яққол исботлаб берди.

Дарҳақиқат, қўлга киритган ютуқларимизнинг таърифига сўз ожиз. Иқтисодиётда, маданият ва маорифда, санъатда қўйингки, турмушимизнинг ҳар бир қиррасида ижобий ўзгаришлар, янгиланишлар рўй бердики, буларнинг ҳаммаси Мустақиллик солномасини безаб турибди. Айниқса, кишилар онги ва тафаккуридаги юксалиш, уларда озод юрт ва эркин ҳаётга муҳаббат каби улуғвор туйғуни қарор топишини ҳеч бир мезон билан ўлчаб бўлмайди, албатта.

Бинобарин, тараққиёт поғоналаридан қанча илгарилаб борсак-да, юртимиз шаъни ва обрўси дунё узра тобора довруғ, шуҳрат топса-да ҳеч бир фуқаро ўз зиммасидаги масъулиятни шунчалик ортиб боришини ҳам унутмаслиги даркор. Масъулият ҳисси Ватан озодлиги, равнақи ва осойишталигида энг зарур омил эканлигини англаб етишимиз лозим. Бир сўз билан айтганда Ватан, Мустақиллик, тараққиёт бу – масъулият демакдир.

Мустақиллик йилларида фуқароларимиз сиёсий ҳаётида ҳам бир қатор муваффақиятларга эришилди. Буюк келажак қуришдек олий мақсад йўлида мустаҳкам пойдевор яратилди. Кучли фуқаролик жамияти сари аниқ ва изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Чунончи, олдимизга қўйилган олий мақсадлар – бозор иқтисодиётига ўтиш, ҳуқуқий демократик жамиятни барпо этиш, халқ фаровонлигини оширишга эришишни фуқаролик жамиятининг негизи бўлмиш сиёсий институтларсиз тасаввур этиб бўлмас эди. Зеро, жамиятнинг энг фаол қисми бўлмиш фуқароларни бир ғоя асосида бирлаштириб, аниқ амалий мақсад сари йўналтириш, шу орқали сайлов тизимини такомиллаштиришда сиёсий партияларга кенг имкониятлар берилди.

Изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар самараси, айниқса, икки палатали профессионал парламент шаклланишида яққол кўринди. Республикамиздаги мавжуд партиялар эндиликда сиёсий ҳаёт саҳнасида ҳақиқий беллашув, рақобат майдонида фаолият кўрсата бошлашди. Парламентнинг қуйи палатасида бешта сиёсий партиянинг фракциялари шаклланди. Ҳар бир партия олий вакиллик ҳокимиятда ўз вакилига эга, партиявий дастур ҳамда сайловолди ғояларни амалга ошириш учун сиёсий элитаси мавжуд.

Икки палатали парламент олдига қўйилган стратегик вазифа — ёш давлатимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиш, қонун устиворлигини таъминлаш, мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш ва парламент ваколатларини янада ошириш ҳамда мустаҳкамлашдан иборатдир. Бунда, албатта, партия фракцияларининг таҳлилий нуқтаи назари, баъзи бир қонунлар бўйича танқидий ёки мулоҳазали позициялари жуда муҳим.

(Давоми 2-бетда)

*Фракция йиғилиши*

## МЕҲР-МУРУВВАТ — АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТ



Фракция йиғилишидаги муҳокамадан лавҳа

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳияти, аҳамияти тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш мақсадида ташкил қилинган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси «Адолат» СДП фракциясининг йиғилишига Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Бош бошқармаси бошлиғи Алишер Иноқов таклиф этилди.

— Бу Дастурда асосан уч йўналишдаги вазифалар белгиланган, — деди йиғилишда сўзга чиққан Алишер Иноқов. — Булар ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини кучайтириш, ёлғиз кексаларни даволаш ва соғломлаштириш, геротологик ва гериатрик ёрдамни кучайтириш, шунингдек уй-жой шароитларини яхшилашдир. Ушбу йўналишларнинг ҳар бири бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Хусусан, ногиронларга реабилитацион техник воситаларни ижарага беришни ташкил этиш, ёлғиз кексалар ва ногиронларнинг яшаш жойларига бориб, уларга уй юмушларида кўмак беришни йўлга қўйиш, чекка ҳудудларда яшовчи ёлғиз кексаларга тиббий-ижтимоий кўмак бериш мақсадида мобиль гуруҳ тузиш, «Мурувват» автобусларини ташкиллаштириш кабилар шулар жумласига киради. Бундан ташқари, уруш ва меҳнат фахрийларини физиологик даволаш учун «Тахиатош» санаториясини қурилиши, Самарқанд вилоятидаги «Марварид» профилактик санаторийсини қайта таъмирлаш кўзда тутилган.

— Мустақилликка эришган кунимизданоқ ҳукуматимиз – ногиронлар, болалар, нафақахўрлар, ёлғиз оналар, талабалар ва бошқа фуқароларга мунтазам равишда кўмак бериб келмоқда, — деди фракция раҳбари Дилором Тошмуҳамедова. — Мазкур қарор мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг нақадар инсонийлик ва адолат тамойилларига асосланганлигининг яна бир яққол ифодасидир. Яқинларига меҳр-мурувват кўрсатиш ва ёрдамга муҳтож инсонларга ғамхўрлик қилиш ўзбек халқининг азалий қадриятларидан ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда)

## МУҲОКАМАДА АНИҚ ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Адолат» СДП фракциясининг йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида муҳокама қилинадиган масала — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йил биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ижроси тўғрисида сўз юритилди. Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Шавкат Тешаев 2006 йилнинг 1-чорагида Давлат бюджетининг даромад ва харажатларига доир маълумотлар ҳақида сўзлаб берди.

— Бу йил илк бора Давлат бюджетидаги белгиланган режа ортиғи билан, яъни профицит билан бажарилди, — деди маърузачи ўз сўзида. — Фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ҳисобига ялпи ички маҳсулот ҳажми ортди. Шунингдек, маҳаллий бюджетдаги барча ташкилот ёки муассасаларни дотациядан чиқариш, касаначиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратиляпти. Бунинг натижасида аҳоли турмуши кун сайин фаровонлашиб бормоқда.

Шундан сўнг кун тартибидан ўрин олган иккинчи масала — *"Йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида"ги* қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

— Юртимизда йод моддаси етишмаганлиги туфайли бўқоқ касаллигига чалинган инсонлар кўпчиликни ташкил қилади, — деди фракция аъзоси Зуҳра Ботирова. — Буни бартараф этиш учун озиқ-овқат маҳсулотлари таркибини йод моддаси билан тўйинтириш муҳим аҳамият касб этади. Шубҳасиз, ушбу қонун лойиҳаси халқимизнинг саломатлигини сақлаш учун хизмат қилади. Аммо қонун қабул қилишдан олдин баъзи камчиликлар ҳақида чуқур ўйлаб кўриш керак. Аввало, қонун лойиҳасининг номини ўзгартирсак. Ҳеч қаерда йод етишмаслиги касаллиги деган атама йўқ. У йод моддаси танқислигидан келиб чиқувчи касалликлар деб юритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, йиғилишда Марказий аппарат вакиллари партиянинг жойлардаги фаолиятига тўхталишди. Маълумки, партия низомига мувофиқ, ҳудудий Кенгаш котиблари Сиёсий Кенгашга ўз фаолиятлари ҳақида ёзма равишда ҳар ҳафтада ахборот бериб бориши керак. Хусусан, ҳар бир ҳудудий Кенгаш Марказий аппаратга сайланган депутатлар фаолияти, вилоят Кенгашлари Ижроия Қўмиталари фаолияти, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари этиб сайланган «Адолат» СДП аъзолари, шу билан бирга жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари ҳақида ёзма маълумот тақдим этиши лозим. Аммо маҳаллий Кенгашлар томонидан қониқарсиз маълумотлар берилаётгани сабабли Марказий аппарат таҳлилий ҳужжат тайёрлай олмаётганлиги таъкидланди.

Ҳозирги кунга қадар Сирдарё, Андижон, Навоий, Жиззах, Хоразм, Самарқанд, Фарғона, Бухоро вилоятлари Кенгашларининг Ижроия Қўмиталари тузилган ва улар йиғилишларда кўрилган масалалар юзасидан Марказий аппаратга мунтазам равишда ахборот бериб келмоқда. Бироқ Тошкент, Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашлари Ижроия Қўмиталари ҳанузгача шаклланмаган. Бунинг оқибатида жойларда партиянинг тарғибот-ташвиқот ишлари суст олиб борилмоқда.

Йиғилиш сўнгида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

**Ўз мухбиримиз**

## ЯНГИ ТИББИЙ МАСКАН

Республикамизда қишлоқ аҳолисига намунали тиббий хизмат кўрсатиш борасида, муайян ишлар амалга ошириляпти. Сиҳат-саломатлик дастури асосида жойларда замонавий қишлоқ врачлик пунктлари қурилаётгани ва халққа беминнат хизмат кўрсатаётгани фикримиз далилидир.

Яқинда Балиқчи туманидаги Оролхон қишлоғида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Замон талаблари даражасида жиҳозланган, зарур тиббий асбоб-анжомлар билан таъминланган янги шифо маскани қишлоқнинг 5 минг нафардан зиёд аҳолисига хизмат кўрсатади.

— Янги қишлоқ врачлик пунктининг Мустақилликнинг 15 йиллиги байрами шодиёналари давом этаётган айни кунларда фойдаланишга топширилиши ҳаммамиз учун қўшалоқ тантана бўлди, — дейди туман марказий шифохонаси бош врачи ўринбосари А.Турғунов. — Ушбу тиббий масканда физиотерапия, эмлаш, доялик хизматлари каторида шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун ҳам барча шароитлар мавжуд.

**А.МАҲМУДОВ,**
**"Адолат" мухбири**

*Суҳбат*

## ИСТИҚЛОЛ БИЗГА ЎЗЛИГИМИЗНИ БЕРДИ

***Андижон Давлат тиббиёт институти ректори, профессор, Олий Мажлис Сенати аъзоси, "Адолат" СДП Андижон вилоят Кенгаши биринчи котиби Мамазоир Хўжамбердиев билан суҳбат***



Андижон вилоят партия Кенгаши тадбиридан лавҳа

— Биз яқиндагина Мустақиллигимизнинг 15 йиллигини катта шодиёналар билан нишонладик. Ҳали юртимиз бўйлаб бу улуғ байрамнинг шукуҳи кезиб юрибди. Энг қувонарлиси, Мустақиллик байрами одамларимизнинг юрагидаги энг азиз байрамга, ҳаётининг бахтли кунларидан бирига айланиб улгурди. Бу қутлуғ кунларни кўришни ота-боболаримиз узоқ кутишган, аммо орзулари ушалмаган. Ана шу орзулар рўёбини биз, бугунги авлод вакиллари кўриб, Истиқлол берган имкониятлардан фойдаланаяпмиз. Шунинг учун ҳам энг азиз неъмат — Мустақилликни қадрига етиш, уни мустаҳкамлаш йўлида фидойилик кўрсатмоқ лозим.

Мустақил бўлганимизга эндигина 15 йил бўлди. Бу жуда қисқа вақт. Аммо мана шу вақт ичида катта ютуқларни қўлга киритдикки, буни сўз билан ифода этиш мушкул. Биргина Андижонимизнинг Асака шаҳридан чиқаётган автомобилларни ким ўйлаган эди, ўн беш йил аввал ўзимизнинг юртимизда ишлаб чиқарилади, деб. Ёки ҳар бир шаҳар ва туманда қурилаётган замонавий касб-ҳунар коллежлари, мактаблар, муҳташам спорт мажмуалари, кенг ва равон йўллар, қўйингки, барча-барчаси кўрган кўзни қувонтиради.

Мисол тарзида айтадиган бўлсам, 2000 йилда институтимиз ҳар томонлама қулай, кўркам, замонавий асбоб-анжомлар билан тўла жиҳозланган янги бинога кўчиб ўтди. Бугун педагогик жамоамиз янги бинода, янги талаблар даражасида зўр иштиёқ ила фаолият кўрсатаяпти. Уларнинг 56 нафари фан доктори ва профессорлар, 184 нафари фан номзоди, доцент илмий лавозимига эга. Ана шундай фидойиларнинг жонбозлиги туфайли кўплаб ютуқлар қўлга киритилаяпти.

**— Институтда жорий қилинган янгиликлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз?**

— Албатта, фан ва таълимнинг сунги янгиликлари, илғор тажрибаларидан самарали фойдаланаяпмиз. Масалан, республикамиздаги тиббиёт олийгоҳлари ичида биринчилардан бўлиб масофали ўқитиш ва мультимедия технологияларини жорий қилдик. Ўқитиш жараёнларини замон талабалари даражасида ташкиллаштириш учун компьютер маркази очилди, интернет тизимига ўтилди. Айни дамда 427 дона сўнгги русумдаги компьютер жамламалари профессор-ўқитувчилар ва талабалар ихтиёрида. Айниқса, интернетда олийгоҳ ўзининг сайтига эгалиги имкониятларимизни янада оширишга хизмат қилаяпти.

**— Хориждаги институтлар билан ҳамкорлик қандай йўлга қўйилган?**

— Мустақиллик шарофати билан хориждаги институтлар билан ҳамкорлик ўрнатиш имкониятига эга бўлдик. Жумладан, телемедицина алоқаси муваффақиятли амалга ошириляпти. Шу йилнинг 26 март куни мамлакатимизда биринчилардан бўлиб Москвадаги А.Н.Бакулев номли юрак қон-томир хирургияси илмий маркази билан телекўприк очилди.

Унда юрак пороги бор беморларни жаҳондаги нуфузли марказ директори, академик Л.Бокерия ва В.Подзолковлар консультация қилишди. Шунингдек, телекўприк чоғида Россиянинг жаҳонга танилган тиббиёт илми академикларининг маърузалари ҳам тингланди. Ушбу телекўприк бир вақтнинг ўзида тўғридан-тўғри Москва, Саратов ва Андижон шаҳарларидаги тиббиёт олийгоҳларида кўрсатилди. Янгича усул талаба ёшларимизда яхши таассурот қолдираяпти.

(Давоми 2-бетда)

*Муносабат*

## ВАТАН. МУСТАҚИЛЛИК. МИЛЛИЙ ҒОЯ

***Ҳар учаласига ҳам бирдек тегишли бўлган садоқат, муҳаббат, фидойилик туйғулари чинакам эътиқодли кишилар учун ҳеч бир замонда ўзгармаган ва ўзгармайди ҳам. Зеро, Ватан — она каби ягона! Мустақиллик — энг олий орзуларнинг ушалиши! Миллий ғоя — онг ва тафаккур!***



Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси дастурининг бош қисмидаёқ ёзиб қўйилган: "Мустақиллик нафақат улуғ неъмат, балки ҳар бир давлат, халқ ва ҳар бир инсон зиммасига юкланган катта масъулият ҳамдир. У ҳар бир фуқародан бетиним меҳнат, изланиш, ташаббус, хуллас, барча ҳузур-ҳаловатлардан воз кечиб, ўзлигини Ватан равнақига бутунлай бағишлашни талаб қилади".

Чунки, мустақилликни сақлаб қолиш ва уни мустаҳкамлаб бориш осон иш эмас. Истиқлолнинг илк йилларини эсга олинг: қанча қийинчиликлар бўлди. Таъминот ва тақсимотда узилишлар юз берди. Ҳокимият илинжида уринганлар тўғаноқлар солишди. Жойларда оломонни кўчага етаклаб чиқиб, ёвуз кучлар бош кўтарди. Эски тузумдан сақланиб қолган дунёқараш ва тушунчалар ҳамда айрим одамлар онгидаги боқимандалик, лоқайдлик иллатлари ишларимиз суръатига ҳалақит берди.

Айни шундай машаққатли кезлардаям биз, Президентимиз Ислом Каримов раҳномалигида мустақиллик, миллий маънавият, миллий қадрият, тил, тарих ва баркамол авлод тарбияси масалаларига изчил эътибор бердик.

"Кишилар онгини эски тузум асоратларидан холос этиш, улар қалбига янгича тафаккур, янги мафкура ғояларини сингдириш бир-икки йиллик иш бўлмай, балки узоқ давом этадиган жараён эканига бугун ишонч ҳосил қилмоқдамиз, — деганди Юртбошимиз 1999 йил ўзининг "Ҳушёрликка даъват" асарида. — Ҳозирги энг муҳим энг долзарб вазифамиз — жамиятимиз аъзоларини, авваламбор вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир».

(Давоми 2-бетда)

## ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

● Тошкент шаҳрида 17-18 октябрь кунлари Ўзбекистон 2-халқаро пахта ярмаркаси бўлиб ўтади. Унда ўзбек пахтасини харид қилиш борасида шартномалар имзолашдан ташқари, хомашёни қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан боғлиқ жараёнлардаги ҳамкорлик масалалар муҳокама қилинади.

● 63-Венеция халқаро кинофестивалида бош соврин — олтин шер ҳайкалчаси хитойлик режиссёр Цзя Чжан Кэ суратга олган "Турмуш тарзи" фильмига берилди.

● Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси ва «Жаҳон» ахборот агентлиги билан биргаликда буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг 670 йиллиги муносабати билан «Қалб амри билан» деб номланувчи ҳужжатли фильм яратилди.

● Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган маърифий кеча бўлиб ўтди.

● "Келажак овози-2006" танловининг Тошкент шаҳар босқичи якунланди.

● Хитой тадбиркорларининг муҳандис-техник кўргазмаси сентябрь ойининг охирида Тошкентда бўлиб ўтиши кутилмоқда. Кўргазмада Хитойнинг қурилиш, механик жиҳозлар, импорт-экспорт билан шуғулланадиган турли компания ва ташкилотлар иштирок этади.

● Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида каратэ бўйича ўтган Ўзбекистон кубоги мусобақалари ўтказилди. Унда умумжамоа ҳисобида қашқадарёлик каратэчилар биринчи, Тошкент шаҳри спортчилари иккинчи, андижонликлар учинчи ўриндан жой олди.

● Жаҳон банки дунёнинг 175 мамлакатида тадбиркорлик фаолияти учун яратилган имкониятлар таҳлилига бағишланган янги ҳисоботини эълон қилди. Сўнгги бир йил давомида бу борада энг фаол ислоҳотлар олиб борган давлат сифатида Грузия тан олиниб, у рўйхатда 37-ўринни эгаллади.

## Ушбу сонда:

МОҲИР ЙЎЛСОЗ «АДОЛАТ» САФИДА — орден соҳиби — 2

ФАЛАСТИН ҲУКУМАТИ ИСТЕЪФО БЕРДИ — хориж хабарлари — 3

ҒОФИЛ ЮРМАК ҲИКМАТДИН ЭМАС... — мозий бисоти — 4

# ДИЛКАШ ДУТОР САДОСИ



***Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туман халқ таълими бўлимига қарашли «Райҳон» болалар боғчасида «Қалдирғоч» дуторчилар ансамбли ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо боғча маъмурияти ва тажрибали мусиқа устози Холидахон Холматованинг саъй-ҳаракати билан жажжи дуторчилар катта тадбирларда иштирок этишга муяссар бўлишмоқда.***



Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар

Яқинда Ўзбекистон Давлат Консерваториясида Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланган Республика халқ чолғу ансамбль ва оркестрларининг хайрия фестивалида боғча тарбияланувчилари ўз репертуарлари билан кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди. «Қалдирғоч»нинг жажжи дуторчилари ўз дастури билан яна бошқа кўплаб санъат тадбирларида ҳам ўз маҳоратларини намойиш этмоқда.

– Бу ансамбль ташкил этилганига эндигина тўрт ой бўлди, – дейди Холида Холматова, – Мадина, Диёра, Даврон, Феруз, Жаҳонгир, Жўрабек каби бир-биридан истеъдодли ўғил-қизлар кўпчилик тенгдошлари орасида анча танилиб қолишди. Боғча мудираси Шарофат Умарова билан биргаликда кичкинтойларни либослар ва чолғу асбоблари билан таъминлаб келяпмиз.

**Суратда: Болалар боғчасининг жажжи санъатсеварлари ҳаётидан лавҳалар.**

*Қутлов*

# ҚЎШАЛОҚ БАХТ



Орамизда шундай фазилат соҳиблари борки, улар бутун умрини илмфанга, тинимсиз изланиш ва ижодга бахш этиб келади. Таниқли олим ва адиб Мухтор Худойқулов маърифат, маънавият бўстонида ўзлигини намоён этаётган ана шундай фидойи устозлардан бири.

Мухтор Худойқулов ўрта мактабни битириб Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) журналистика бўлимига ўқишга қабул қилинганидан бери қўлидан қалами тушмай келди. Қатор йиллар мобайнида мухлисларига «Қоя ва харсангтош», «Дарё ва пўкак», «Зирапча», «Соялар», «Ҳангомалар», «Қадамларига ҳасанот», «Қирқ масал», «Аломат дунё», «Ўйлаб топилмаган ҳикоялар», «Саёҳатлар ва ҳикоятлар», «Ривоятлар ва ҳикоятлар» сингари тўпламларини туҳфа этди. «Қувноқ алифбе», «Саноқ сонлар суҳбати», «Синдбоднинг янги саргузаштлари», «Миттивойнинг саргузаштлари» каби қувноқ асарлари ёш китобсеварлар қалбидан жой олди. «Ибтидо ва Интиҳо» драматик диалогияси, «Искандарнинг шохи» тарихий-фалсафий драмаси, «Кўксаройга йўл», «Омонёр» ва бошқа замонавий мавзуларда яратган асарлари адабиёт ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотди.

Таржима соҳасида ҳам баракали ижод қилиб келаётган Эзоп, А.Крилов, С.Михалков масалларини, югослав ёзувчиси Б.Нушич, грузин адиби Н.Думбадзенинг ҳикоялари ва романларини она тилимизга маҳорат билан ўгирган. «Габрово латифалари» ҳажвий тўпламининг таржимони сифатида Булғориянинг Габрово шаҳрида ўтказилган Жаҳон ҳажвчи ёзувчилар анжуманларида бир неча бор иштирок этган. Публицистика соҳасида ҳам фаол ижод қилиб келаётган М.Худойқуловнинг ўнлаб очерк, лавҳа, фельетон ва бошқа долзарб мавзулардаги мақолалари газета-журналларда, телевидение ва радиода ёритилмоқда.

Олим сифатида устоз журналистикамиз назарий пойдеворини мустаҳкамлашга баракали ҳисса қўшди. Бугунги кунда журналистика факультетларида устознинг қатор ўқув қўлланмалари дарслик сифатида фойдаланилмоқда. Қирқ йилдан ошибдики, Мухтор Худойқулов ЎзМУ журналистика факультетида талабаларнинг севимли мураббийларидан бири.

Серқирра адиб ва олим қиёфасига чизгилар у кишининг ҳамкасблари дил сўзларида ҳам намоён бўлади. Жумладан, ЎзМУ журналистика факультети декани, тарих фанлари доктори Қудрат Эрназаров шундай дейди:

– Мухтор Худойқулов «Ўзбек ҳажвий журналистикасининг вужудга келишида «Муштум» журналининг роли» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилгач, бу борадаги изланишларини изчил давом эттирди. 2001 йили ёқлаган «Ўзбек ҳажвий публицистикасининг шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари» мавзуидаги докторлик иши миллий журналистикамиз назарий пойдеворини янада мустаҳкамлашда салмоқли ўрин тутади. Факультетимизда журналист кадрлар тайёрлаш борасида у киши олим ва ижодкор сифатида ўзига яраша мактаб яратган.

Қуйидаги фикрлар эса ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети доценти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Бойбўта Дўстқораевга тегишли:

– Илм ва ижод кемасини бирдек тутиш кишидан жуда катта билим ҳамда матонат талаб этади. Мухтор Худойқулов умри бўйи ана шундай сермашаққат ишнинг уддасидан чиқиб келаётган ҳақиқий ижодкор мураббийдир. Албатта, ҳажвиялари, ҳикоялари, масаллари ва бошқа турли жанрлардаги ажойиб асарлари адабиёт бўстонида бўй кўрсатиб турибди.

...Умр йўлининг етмишинчи довонида устознинг етмишта ажойиб фазилатини санаш мумкин. Бу фазилатлар аллақачон унинг минглаб шогирдлари ҳамда кўплаб китоблари орқали миллионлаб адабиёт мухлислари қалбидан жой олгани аниқ. ЎзМУ журналистика факультети «Матбуот» кафедраси профессори, филология фанлари доктори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Мухтор Худойқуловнинг меҳнатлари муносиб тақдирланмоқда. Яқинда устоз кўксини «Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллиги» кўкрак нишони безади.

Қўш қанотли ижодкорнинг бахти қўшалоқ экан: устознинг умр йўлдоши Атияхон ая ҳам бу йил етмишинчи баҳорга қадам қўйдилар! Бахтиёр етмишвойлар етти фарзандлари, ўн беш невара ҳамда эваралари оғушида бахт нуридан баҳраманд бўлишмоқда.

**Тўлқин ЭШБЕК,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

*Суҳбат*

# САНЪАТКОРНИНГ ОДДИЙЛИГИ

## *ҳаётда ҳам, ижодда ҳам мухлислар ишончини қозонади*



"Туркистон" саройида истеъдодли хонанда Дилшод Раҳмоновнинг концерт дастурини томоша қилар эканман, унинг ўз овози, сози, ижро услубига эга хонанда эканига амин бўлдим. Жонли ижрода эмин-эркин куйлай олиши, кишини фикрлашга ундайдиган, қалбни тўлқинлантирадиган, ҳам шодлик улашувчи, ҳам йиғлатувчи қўшиқлари мухлисларни завқу шавққа тўлдирди. Айниқса, «Отасини соғинган бола», "Ажаб савдолар", "Бу дунё сендан ҳам, мендан ҳам қолар" номли қўшиқларини ижро қилганда зал гулдирос қарсаклар ва ҳайқириқларга тўлиб кетди.

Истеъдодли хонанда билан суҳбатимиз ана шу концерт дастури ва умуман қўшиқчилик санъати тўғрисида бўлди.

**– Дилшод, катта саҳнадаги илк концерт дастурингизда тасодифан техник жиҳозлар ишламай қолган, сиз эса иккиланмай, жонли ижрода дастурга киритилмаган қўшиқларингизни куйлаган экансиз. Бундай қалтис вазиятдан чиқиб кетиш осон кечмагандир?..**

–Ўшанда концертимни "Аёл" номли қўшиғим билан бошлашим керак эди. Кутилмаганда вазият ўзгарди. Ўзимни қўлга олдиму, "Отажон" деган қўшиғимни куйлаб юбордим. Назаримда, томошабинлар сезишмади.

**– Катта саҳнага чиқишнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, ҳозирги шароитда...**

– Аввало, қўшиқчилик санъати қўшиқ айтиш масхарабозлик, кўнгилхушлик қилиш эмас. Юрагида дарди бор, Аллоҳ истеъдод юқтирган одамгина куйлаш бахтига эришади.

Оиламизда ҳамма санъатни севади. Отам Юрсинали Раҳмонов кўп йиллар мусиқа фанидан сабоқ берганлар, онам Мунаввар Раҳмонова ҳам санъатнинг қадрига етадиган инсон. Ойнаи жаҳонда, катта саҳнада энди кўринаётган бўлсам-да, қўшиқ куйлай бошлаганимга анча йил бўлди. 1984 йилдан халқ хизматига, тўй-ҳашамларга бориб юрдим. Устозларим эл севган санъаткорлар – Шерали Жўраев, Рустам Ғойипов, Қиличбек Тожиев, Охунжон Мадалиевларнинг этагидан тутиб, дуоларини олдим. Ҳар нарсанинг вақти-соати бўлганидек, бугун катта саҳналарда куйлаш бахтига мушарраф бўлиб турибман.

**– Устоз-шогирд муносабатлари деганда нимани тушунасиз?**

– Устоз деганда, сенга йўл-йўриқ кўрсатувчи, хатоларингни рўй-рост айтиб яхшиликка даъват этувчи, ёмонликдан узоқлаштирувчи яқин дўстни тушунаман. Ҳар бир янги қўшиғимни устозларим эшитади, муносабатини билдиради. Овозни қандай ишлата билиш, авж пардасига кўтариш ё тушиш каби...

Умуман, ҳар бир хонанданинг ўз хониши, ўз ноласи, дарди, жозибаси бор. Бировнинг нафаси бировникига ўхшамайди. Ҳар бир қўшиқчининг ижодидан нимадир ўрганаман.

**– Қўшиқларингизни ёзиш жараёнида ижодий кўмакдошлар кимлар?**

– Яккахон концерт дастурларимни тайёрлашда Ислом Худойбердиев доим кўмак беради. Бундан ташқари, Фаррух Сирожиддинов, Эркин Соҳибов, олтиариқлик шоир Шуҳрат Аҳмедов каби ижодкорлар билан ҳамкорлик қилиб келяпман.

**– Тенгдошларингиз орасида қайси хонандаларнинг ижоди ва инсоний фазилатларини қадрлайсиз?**

– Озодбек Назарбеков, Анвар Санаев, Абдужалил Қўқонов, Тоҳир Маҳкамов сингари хонандаларнинг оддийлигини, камтарлигини ҳурмат қиламан. Умуман менга оддий одамлар даврасида бўлиш ёқади. Оддийликда гап кўп.

**– Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.**

**Суҳбатдош: Матлуба ТЕМИР қизи**

*Обод гўшалар*

# МИНГЧИНОРНИНГ МИНГ ЧИРОЙИ

Қашқадарё билан Самарқанд вилоятини боғлайдиган Тахтакарача довонидан ўтганингиздан сўнг, нигоҳингиз ажиб бир манзарага тушади. "Мингчинор" деб аталувчи бу маскан бугун мароқли ҳордиқ чиқарадиган обод гўшага айланган. Меҳнатсевар, уста тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан бу жой, айниқса мустақиллик йилларида ободонлашиб, гўзал қиёфа касб этди.

"Қайнар" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 6 та қишлоқ бор. Бу қишлоқларнинг ўзига хос бетакрор, гўзал табиати киши эътиборини тортади. Айниқса, тоғ тошлари орасидан оқиб чиқаётган табиий булоқлар сувларидан баҳраманд бўлган киши ўзини тетик ва бардам ҳис қилади. Негаки, Қайнарбулоқ, Роҳатбулоқларнинг сувлари шифобахшлик хусусиятга эга.

Бундан 3-4 йиллар илгари чакалакзор ҳудудни ижодкор-тадбиркор Озод Алиқулов ўзлаштириб, хайрли ишга қўл урди. Эндиликда бу ерда одамлар мароқли ҳордиқ чиқарадиган муҳташам бир маскан қад ростлади.

Айтгандек, Мингчинордаги сўлим масканларда жойлашган «Ёш алангачи», "Нурафшон", "Алоқачи", "Дўстлик" болалар оромгоҳларида ҳар йили келажагимиз ворислари бўлган юзлаб ўғил-қизлар ёзги таътилни мароқли ўтказишади. "Мингчинор", "Мингбулоқ", "Қайнар" дам олиш масканларида эса кишилар саломатликларини тиклашади.

Ўтган асрнинг 70-йилларида бу ерда минг туп чинор дарахти ўтказилиб, "Мингчинор" номи билан атала бошланди. Ўша даврда ўрмон хўжалигига раҳбарлик қилган Абдужалил ота Раҳмонов чинорларни меҳр билан парваришлаб, обод гўшага айлантиришда катта ҳисса қўшди. Мингчинорнинг чиройи ҳам шу кўкка бўй чўзган чинорларида. Бинобарин, чинорлар ўзининг соясалқинлиги билан атрофни мусаффолаштириб, томирлари эса ер ости сувлари ҳолатини мўътадиллаштиради. Гўзалликка ошуфта қалблар доимо Мингчинор табиатининг гўзаллигига ошно бўладилар. Олис йўл босиб келаётган ҳар қандай йўловчи бу ерда бир фурсат тўхтаб, тоғ булоғининг зилол сувидан ичиб, чарчоқларини унутади. Маҳалла аҳлининг уюшқоқлиги ва ҳамжиҳатлиги туфайли Мингчинор воҳанинг зумрад гавҳарига, фахрига, мулки борлиқнинг ҳақиқий мўъжизасига айланмоқда.

**Шавкат СУЛТОНОВ**

*Биласизми?*

# ОЙДАГИ БИРИНЧИ МЕВА

Дунёда олманинг 7 мингдан ортиқ нави бўлиб, ўртача ёшдаги ҳар бир олма дарахти тахминан 20 қути ҳосил беради. Мутахассислар фикрича, олма илк маротаба бундан 4000 йил олдин Ўрта Шарқда пайдо бўлган.

Дунёда гуручнинг 15 мингдан ортиқ тури мавжуд. Сайёрамизнинг ярим аҳолиси гуручни энг асосий овқат сифатида истеъмол қилади.

Дунёда бир миллиарддан ортиқ киши гуруч етиштириш билан шуғулланади.

Сутли шоколадлар таркибида кальций ва фосфат кислоталари бўлади. Бу моддалар оғизда кислота ишлаб чиқаришни секинлаштириб, тишларимиз кариес бўлишидан сақлайди.

Ким кўп шоколад еса, ўша одамда ҳуснбузар бўлмайди.

Чикаго дунёнинг ширинликлар "пойтахти" ҳисобланади.

Музқаймоқ илк маротаба шакарсиз ва тухумсиз тайёрланган, фақат муздан иборат бўлган.

Бир килограмм шакар тахминан 5 миллион дона шакар заррачасидан иборат.

Ойда мевалар ичида биринчи бўлиб шафтоли ейилган экан.

*Мозий бисоти*

# ҒОФИЛ ЮРМАК ҲИКМАТДИН ЭМАС...

## *Убайдий ижодида ижтимоий адолат талқини*

Шоҳ ва шоир Убайдий яссавия адабий мактабининг таниқли вакилларидан бири бўлган. Убайдий (Убайдуллохон) ҳукмдор бўлиш билан бирга, истеъдодли шоир, зиёли, маърифатпарвар шахс эди, атрофига санъат аҳлини тўплаб, ўзи ҳам шеър ёзиб, хаттотлик ва мусиқа билан шуғулланган. Зайниддин Восифий Убайдийнинг шеърхонлик мажлислари ўтказгани, қалам аҳлларини ўз тажрибаларидан баҳраманд қилганини ёзади.

Ўн саккиз ёшида Убайдуллоҳнинг Бухорога ҳоким этиб тайинланишидан илм ва маданият аҳли мамнун бўлади. Жумладан, тарихчи Маҳмуд ибн Валий Убайдуллохонни ўз замонасининг "Нўширавони одили" деб таърифласа, Мирзо Ҳайдар "Тарихи Рошидий" асарида у тахтда ўтирган даврида барча яхши фазилатларни ўзида мужассамлаштирган подшоҳ эди, қилган хайрли ишлари билан Ҳиротни ва Ҳусайн Мирзо замонини эслатади, деб ёзади. Дарҳақиқат, у ҳукмронлик қилган даврда мамлакатда илм, маданият, санъат, халқ хўжалиги равнақ топганди.

Убайдийдан бой адабий мерос қолган. Шоир ҳаёти ва ижодини махсус тадқиқ қилган М.Абдуллаевнинг аниқлашича, унинг "Куллиёт"и Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида, "Девон"и ва "Масоил ус-салот" терма баёзи Туркияда сақланади. Шунингдек, «Девони ҳикмат» тўпламларидан шоирнинг кўплаб яссавиёна ҳикматлари ўрин олган. Убайдий ҳикмат ёзишда катта ижодий ютуқларни қўлга киритган. Яссавий ҳикматлари таъсирида шеърлар битган ва унга самимий ҳурмат-эҳтиром билан шундай мадҳия бағишлаган:

Шайбонийларнинг Яссавий ижодиётига алоҳида эътибор бериши ва унинг ҳикматнавислик анъаналарини қайтадан жонлантириши XVI аср ўзбек адабиётида юзага келган эътиборли янгилик бўлди. Буни машҳур турк олими Ф.Купрули алоҳида таъкидлаган. Можор олими Я.Экман эса: "Убайдийнинг биринчи хизмати, Чиғатой адабиётида ҳикмат жанрини жонлантира билганидадир", деб ёзади.

Убайдий ҳикматларида арабча ва форсча сўзлар, Қуръони карим оятлари ёки ҳадиси шарифлардан олинган ибораю иқтибослар тез-тез учраса-да, уларнинг тили ва ифодасида мураккаблик сезилмайди.

*Тажалли мақоминда юругум келур,*
*Ҳақ жамолин ул мақомда кўргум келур.*
*Ҳақиқат жононидин топсам хабар,*
*Ишқ отини ул сориға сургум келур.*

Убайдий мумтоз шеъриятнинг аксарият жанрларида самарали ижод қилган. Унинг қитъа, рубоий ва ғазалларида ҳам Аҳмад Яссавий таъсири яққол сезилади. Туркий девонида тасаввуф сир-асрорларини чуқур ўқиб-ўрганган ижодкорнинг ҳақиқий ишқ шавқи билан битилган ўнлаб орифона ғазаллари ўрин олган. Ҳасанхожа Нисорий Убайдийнинг тасаввуфий фикр-тушунчалари асосли, теран мазмунга эгалиги ҳақида ёзар экан, унинг шайх Махдуми Аъзам Аҳмад Косонийга битиб юборган рубоийсини мисол келтиради. Бу рубоийга эса Махдуми Аъзам махсус шарҳ ёзган экан.

Маълумки, ориф – тасаввуфда ўзига хос мақом соҳиби, маърифати илоҳийдан хабардор зот. Убайдий фикрича, ориф нафсоний дунё ишларидан кўнгил узган, Ҳақ билан машғул. Нодон кимсалар эса, унинг маънавий аҳволидан хабарсиз. Шоир соликларни орифдан ибрат олишга чақириб, мосивони тарк этмай мақсадга эришиб бўлмаслигини уқтиради:

*Орифлардек мосиваллоҳ таркин этмай,*
*Тажаррруднинг мақомиға доғи етмай,*
*Фанофиллоҳ вужуд ила ўздин кетмай,*
*Яратғонға лойиқ қуллуқ қилса бўлмас.*

Убайдий ҳикмат яратишда ғоявий-бадиий янгиликларга эришишга ҳаракат қилган. Бунда у, энг аввало, улуғ пири Аҳмад Яссавий тажрибаларига таяниб иш кўрган. Шу учун Убайдий ҳикматлари орасида маъно ва оҳанг жиҳатидан Пири Туркистоннинг ҳикматларига ўхшайдиганлари тез-тез учрайди:

*Аё дўстлар, жондин кечиб ишқ эркин туттум мано,*
*Ваҳдат майин ичкунча не хуноблар юттум мано.*
*Уч юз олтмиш дарё ўта юрмай киши суд айламас,*
*Тўрт юз қирқ тўрт тоғдин ошиб, борисидин ўттум мано.*

Мазкур ҳикматдаги "жондин кечиш", "ишқ", "ваҳдат майи" каби ибора, рамз ва образлар, шунингдек, Яссавий ҳикматларига хос бўлган "Аё дўстлар" хитоби ва ниҳоят ҳар байтнинг "мано" радифи билан тугалланиши бевосита Яссавий ҳикматларини эслатади.

Шоир тўртликлари ўзининг ғоявий ва бадиий аҳамиятидан ташқари, тарихий қимматига ҳам эга. Чунки Убайдий Яссавий ҳикматларининг қадимги намуналарини ўқиган ҳолда, улардан озуқа олган. Масалан, Яссавийнинг:

*Бешак билинг бу дунё барча халқдин ўтаро*
*Инонмагил молингга, илгингиздин кетаро.*
*Ото-оно, қариндош қаён кетти фикр қил,*
*Тўрт аёғлиқ чўбин от, бир кун санга етаро, –*

мисралари билан бошланган ва дунё, ҳаёт, молу мулкнинг ўткинчилиги ҳақида битилган ҳикматнинг ҳар жиҳатдан ибрат касб этишини теран англаган Убайдий улуғ устозининг фикрини қуйидаги шаклда давом эттиради:

*Кўч елдек эй рафиқ, олам бари кўчаро,*
*Кўз юмуб очқунча азиз умринг кечаро.*
*Ўлум солур мотамға, одам ўғлин ҳар ғамға,*
*Ақли бўлғон одамға ушбу ибрат етаро.*
*Давлатинға таянма, ганжу молға инонма,*
*Ҳам барчаға ишонма, бари андин кетаро.*

Убайдий ҳикматларида комил ахлоқнинг муҳим жиҳатлари, айниқса, маърифий ва ирфоний қирралари хусусида анча кенг мулоҳаза юритилган. Зеро, шоир ҳикматнависликдан мақсад – ҳикмат гулистонидан маъно гулларини териш эканлигини шундай баён этади:

*Ҳикмат юзидин юрурки ғафлатдин эмасдур,*
*Ғофил юрмаклик халқ ичра ҳикматдин эмасдур.*

Хуллас, Убайдий ҳикмат йўлида баракали ижод қилган сермаҳсул адибдир. Унинг ҳикматлари ўқувчилар онги ва қалбини илму маърифат нурлари билан мунаввар этишга хизмат қилади. Шу боис, у ҳикматнавис шоир сифатида адабиётимиз тарихида ўзига хос салмоқли ўрин эгаллади. Унинг ҳикматлари нафақат сон, балки маъно ва моҳият жиҳатидан ҳам мумтоз адабиётимизнинг олтин хазинасига қўшилган улкан улушдир.

**Нодирхон ҲАСАН,**
**филология фанлари номзоди**

Тошкент ахборот технологиялари университетининг телекоммуникация технологиялари факультети 413-03 ту гуруҳ талабаси Султанмурат Исахоновин Нурушов номига берилган рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент ахборот технологиялари университетининг телекоммуникация технологиялари факультети 413-03 ту гуруҳ талабаси Улуғбек Нормуродовин Ҳамроев номига берилган рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилоят Кенгаши жамоаси "Адолат" СДП аъзоси, Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Ғайбулла Жўраевга рафиқаси

ЗАҲРО ЖЎРАЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг ижтимоий-сиёсий газетаси

Таҳрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Турғунпўлат ДАМИНОВ,
Равшан ҲАЙДАРОВ,
Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Талъат МУРАТОВ

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 016 рақами билан рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:
Қабулхона – 133-40-86, 136-53-14
Факс – 133-40-86
Котибият – 136-55-96
Сиёсат ва партия ҳаёти бўлими – 136-55-64
Хатлар бўлими – 136-55-64
Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими – 136-54-39
Иқтисодиёт ва саноат бўлими – 136-54-39
Маркетинг ва реклама бўлими – 136-55-96

Навбатчи муҳаррир – Бахтиёр Тошназаров
Навбатчи – Носир Ҳайдаров
Саҳифаловчи – Латифжон Турсунов

● «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t – Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма Г – 1100
Ҳажми – 8 босма табоқ.
Офсет усулида босилган
Қоғоз бичими А-2.
Адади – 1270

Нашр индекси – 100

Ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

Босишга топшириш вақти – 20.00
Босишга топширилди –